

## Жуманинг фазилати



10:26 / 07.06.2024 1750

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Жумага уч хил одам ҳозир бўлади.

- Бир одам унга лағв қилиш учун ҳозир бўлади. Унинг жумадан насибаси ўшадир.
- Бир одам унга дуо қилиш учун ҳозир бўлади. У Аллоҳ азза ва жаллага дуо қилади. У Зот эса хоҳласа беради, хоҳласа ман қилади.
- Яна бир одам унга жимлик ва сукут ила ҳозир бўлади. Ҳеч бир мусулмоннинг елкасини туртиб ўтмайди. Ҳеч кимга озор бермайди.

Ана ўша жума унинг учун келаси жумагача ва яна уч кун зиёдаси ила каффоротдир. Чунки Аллоҳ таоло: «Ким бир яхшилик келтирса, унга ўн

мисли берилур», – деган».

***Абу Довуд ривояти.***